

"Махам-Чирчиқ" АЖда сайёр қабул ҳафталиги бошланди

// 24 iyul 2023 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/xotin-qizlar-sayyor-qabullar-haftaligi>



Бугун “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқарув раиси маслаҳатчиси - Хотин-қизлар кенгаши раиси С.М.Абдурахманова, "Махам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятининг корхонанинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси М.Шорайимова иштирокида сайёр қабуллар ҳафталиги бошланди.

Санобар Абдурахманованинг корхона аёлларининг мавжуд муаммо ва камчиликларини ўрганишга бағишланган сайёр қабули жамиятда фаолият юритаётган хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтди.

Қабул жараёнида келиб тушган мурожаатлар мутасаддилар билан биргаликда ўрганилиб, ечими юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сайёр қабул давом этмоқда.





